

**Миллий иқтисодиётда янги илмий ишланмаларни
тижоратлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг
назарий-услубий асослари**

*Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил тадқиқотчиси*

Далиев Хусан Хожакбарович

***Аннотация.** Бугунги кунда илм-фан соҳаси ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш, мамлакатимиз илм-фанининг илгор ютуқлари ва истиқболли инновацион технологияларни ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш, тировард натижада иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда янги илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий-услубий асослари ёритилган.*

***Калти сўзлар.** Инновацион жараён, миллий иқтисодиёт, тижоратлаштириш, ташкилий механизм, иқтисодий салоҳият.*

Барчамизга маълум, мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида ва ташаббуси билан илм-фан соҳасини ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мухтарам Президентимиз мамлакатимизда илм-фан нуфузини ошириш, фан соҳасини ривожлантириш масалаларига катта эътибор бермоқдалар. Жумладан, Президентимизнинг 2016 йил 30 декабрь куни Фанлар академияси академиклари ва республиканинг етакчи олимлари билан бўлиб ўтган тантанали учрашувларида фан соҳаси, кадрлар тайёрлаш

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

соҳасида анчадан бери йиғилиб қолган муаммоларни олимлар билан очикдан-очик муҳокама қилганлари ва бу йўналишда бир қатор Ҳукуматга, вазирлик ва идораларга бир қатор муҳим вазифалар қўйганлари гапимизнинг исботи бўлади.

Президентимизнинг академиклар ва олимлар билан 2016 йилда ўтказилган биринчи йиғилишда илм-фан соҳаси ва кадрларни тайёрлаш тизимида анчадан бери йиғилиб қолган муаммоларни очикдан-очик муҳокама қилинган.

Ёдингизда бўлса ушбу йиғилишда “Мамлакатимизда барқарорлик, иқтисодий барқарорлик таъминланиши, эртанги кунимиз қандай кечиши, қандай бўлишини тасаввур қилишимиз учун, авваламбор замонавий илм, инновацион технологияларсиз, умуман олганда, Сизларсиз тасаввур қила олмайман” деб айтган эдилар.

Ўтган қисқа вақт мобайнида соҳада тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш, жумладан, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, илмий ишланма ва илмий хажмдор технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун инновацион муҳитни яхшилаш, илмий-тадқиқот фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, олинаётган илмий-амалий натижалар ва яратилаётган илмий хажмдор маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди, бир қанча муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Жами **61** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жорий қилинди



1-расм. Илм-фан ва инновацион фаолият соҳасида жорий қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Алоҳида эътироф этишни истардим, муҳтарам Президентимиз бежизга Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этмадилар.

Биринчи навбатда, муҳтарам Президентимизнинг Фармонлари билан 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Стратегиянинг бош мақсади инсон капиталини ривожлантириш, 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати таркибига кириш этиб белгиланди.

Иккинчидан, инновацион инфратузилмани мустаҳкамлаш мақсадида янги илмий-тадқиқот муассасаларини ташкил этилди, ҳудудларда инновацион марказлар очилди, технопарклар фаолиятини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан иқтисодиётнинг реал сектори ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган 40 дан ортиқ таклифлар ва лойиҳалар ишлаб чиқилди, шундан 13 таси амалиётга жорий этилди ва 22 тасини жорий этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Учинчидан, вазирлик тизимида замонавий инновацион инфратузилма субъектлари ташкил этилди. Хусусан:

Илғор технологиялар маркази, Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, Яшнобод инновацион технопарки, Фарғона ёшлар инновация маркази, Инновациялар ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш бўйича инновация лабораторияси, Халқаро молекуляр аллергология маркази, Семруғ уруғчилик кичик корхонаси, Оролбўйи халқаро инновация маркази, Тошкент шаҳрида замонавий DMC инновацион клиникаси ва “Ўзбек-Хитой фармацевтика технологик парки” ташкил қилиниб илмий ва

инновацион фаолият учун ички инновацион платформалар ва рақобатчилик муҳити яратилди.

Тўртинчидан, илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, илмий лойиҳаларнинг молиялаштирилишини ва натижадорлигини ошириш мақсадида давлат буюртмаси асосида тижоратбоп аниқ маҳсулотга йўналтирилган лойиҳаларнинг мунтазам танловлари жорий қилинди.

Вазирлик қошида 18 та фан йўналишлари бўйича 350 дан ортиқ академик, профессор ва фан докторлари иштирокида таркиби даврий янгиланиб бориладиган янги илмий-техник кенгашлар ташкил қилиниб, илмий лойиҳалар танловлари ва илмий техник экспертизанинг янги механизмлари жорий этилди.

2019 йилнинг 1-ярим йиллик натижалари бўйича 190 дан ортиқ мавзуга оид лойиҳаларга буюртма танловлари эълон қилиниб, жами 91 млрд. сўм миқдорида 110 та илмий-техник лойиҳалар молиялаштирилди.

Бешинчидан, илк бор стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакиллантирилиб, 2019 йилнинг 1-чорагида 15 та стартап лойиҳаларга 12,9 млрд. сўм йўналтирилди. Ҳозирда Туркиянинг илмий технологик тадқиқотлар кенгаши “TUBITAK” ташкилоти ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Tech Central Asia Tashkent” стартап лойиҳалар танловлари ўтказилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда “Стартап Ташаббуслар” танлови ташкил этилди. Танлов натижаларига кўра, 33 та стартап лойиҳалар саралаб олинди, 5 нафар ғолибларга 200 млн. сўм маблағ ажратилди.

Олтинчидан, илмий тадқиқотларга хусусий сектор маблағларини жалб қилиш мақсадида “Company Petromaruz Limited” компанияси томонидан илмий тадқиқотлар учун 15 млрд. сўм маблағ ажратишига эришилди.

Еттинчидан, халқаро илмий-техник ҳамкорлик доирасида 3 та давлат билан жами 9,5 млрд сўмлик 38 та қўшма илмий-техник

лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855 сон қарори билан “олим-тадбиркор-банк” училиги иштирокида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Бунда илмий ва инновацион ишланмаларни саралаш, уларни тижоратлаштириш учун инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида “буюртмачи-тадқиқотчи-инвестор” портали ишга туширилиб, 470 дан ортиқ ишланмалар ва 102 та муаммолар рўйхатга олинди.

Илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни тизимли ташкил этиш асосида инвесторлар, тижорат банклари ва илмий-тадқиқот институтлари иштирокида 19 стартап компаниялар ташкил этилиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган илмий сиғимкор маҳсулотлар ҳажми 17 млрд. сўмдан ошди.

Шунингдек, Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорлар “Яшнобод” инновацион технопаркига жалб қилиниб, 27,2 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция лойиҳалари доирасида 172 та янги иш ўринлари яратилди, экспорт ҳажми эса 507 минг АҚШ долларига етди.

Ўнинчидан, Вазирликдаги Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари 40 турдаги қиймати 2094,7 минг АҚШ долларига тенг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда бутловчи қисмлар билан таъминланди. Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондига 278 турдаги жами 575,7 млн. сўмлик ноёб қўлёзма ва тарихий манбалар харид қилинди.

Яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан Инновацион ривожланиш вазирлигига ихтисослаштирилган мактаблар бириктириб берилган. Инновацион фикрлайдиган янги авлод ёшларини тарбиялаш мақсадида вазирлик тизимида Мирзо Улуғбек номидаги математика, физика, астрономия

ва информатика фанларига ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари фаолияти йўлга қўйилди. 2019-2020 ўқув йилида ушбу мактабларда 500 нафар ўқувчи таҳсил олади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган ютуқларимиз ўзимизники. Шу ўринда мухтарам Президентимиз Шавкат Миромоновични қуйидаги гапларини сизларга такрор ва такрор таъкидлаш лозим:

“Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”.

Шу жиҳатдан, республикамызда илм-фанни ривожлантириш самарадорлигини янада ошириш, инновацион технология ва ишланмаларни иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг кўламига қарамасдан, ҳозирги кунда барча моддий-техник, илмий-интеллектуал ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда республикамыздаги мавжуд илмий-техник салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Бу эса ўз навбатида мавжуд илмий-технологик салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда илмий ҳажмдор маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасидаги юқори инновацион фаолликни таъминлайдиган аниқ механизмларни янада такомиллаштиришни ҳамда мазкур механизмларни мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар суръатларига тўлиқ мослаштиришни талаб этмоқда.

Мухтарам Президентимиз Миллий университетда бўлиб ўтган йиғилишда “Илм-фаннинг рақобатдошлигини ошириш замонавий

фикрлайдиган ва ташаббускор кадрларни тайёрлаш жараёни билан ҳамоҳанг олиб борилиши зарур” деб айтганлари барчамизнинг ёдимизда. Бу эса илмий-тадқиқот ташкилотлари олдига ёшларни илмий ишларга кенг жалб этиш ва илмий ходимлар таркибини ёшартириш вазифасини юклайди.

Илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатаётган лаборатория мудирлари ва илмий лойиҳалар раҳбарларининг аксариятини ёши катта ходимлар ташкил этиши, илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришда узвийликнинг сустиги, иқтидорли ёшларни жалб қилиш даражасининг етарли эмаслиги илмий мактабларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Эътибор бериш лозим, илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатаётган илмий ходимларнинг ўртача ёши 57 ёшдан юқори.

Илмий-тадқиқот муассасаларининг аксариятида илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш тарқоқ ҳолда амалга оширилмоқда. Институтлар раҳбарияти томонидан ушбу ишлар мувофиқлаштирилмайди.

Мухтарам Президентимиз илмий-тадқиқот муассасаларини тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштиришга ўтказиш бўйича топшириқ бердилар. Бундай тизимда, берилаётган бюджет маблағлари нимага сарфланишини асослаш учун ҳар бир институтнинг мақсадли Илмий-тадқиқот ишларининг дастурлари бўлиши лозим. Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур масалаларга масъул сифатида аниқ механизмларни ишлаб чиқиши лозим.

Дастурга киритилаётган ҳар бир мавзу пухта ишланган, ҳар томондан муҳокама қилинган ва жаҳон фанини ривожланиш тенденцияларига мос бўлиши лозим. Бунда илмий мавзуларнинг сонига эмас балким уларнинг натижадорлигига асосий эътибор қаратилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
2. Отакузиева З., Мирзахалилова Д. Инновационная модель текстильных кластеров// Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2012. –№9. –Б. 17-21.

3. Элмуратова У. Инновация бозори истиқболлари// Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010.–№ . –Б. 32-34.
4. Элов Д.А., Очилов Н.Я. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг хорижий тажрибаси// Иқтисод ва молия. –Тошкент, 2013. –№10. –Б. 45-49.
5. Гафуров У. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш// Иқтисод ва молия. –Тошкент, 2012. –№2, – Б.17-23.
6. Бурханова М. Формы и методы инновационного развития и оценки их влияния на рост конкурентоспособности предприятий Узбекистана // Иқтисод ва молия. –Тошкент, 2012. -№7, –С тр.28-30.
7. Джаббарова Н. Неопределенность в управлении инновационной деятельностью// Биржа эксперт. –Тошкент, 2012. -№7-8, –С . 61-64.
8. Зайнутдинов Ш.Н. Потенциал и эффективность науки / Г. Биржа. – Тошкент, 2012. -№116 (1527). –С. 13.
9. Воронин С., Фролов А. Финансовые инструменты как фактор инновационного развития// Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2010. –№6. С. 29-32.
10. Горлова Е. Развитие высокотехнологичных производств на базе инноваций // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2012. –№2. –С. 30-34.